

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**648 Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 30 декабрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2646*

Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш сифатини янада ошириш ва уларга қулайлик яратиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги, «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Б. Болиев) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Нотариат, адвокатура ва ФХДЁ органлари бошқармаси (Д. Якубова) ҳамда Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Д. Саъдуллаев) ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Усманов зиммасига юклансин.

**Вазир**

**Н. ЙЎЛДОШЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 30 декабрь,  
311-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси  
адлия вазирининг 2014 йил 30 декабрдаги  
311-мх-сон буйруғига  
ИЛОВА

**Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик  
шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш  
тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ–1602-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартибини белгилайди.

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Жисмоний ва юридик шахслар (бундан буён матнда муурожаат қилувчилар деб юритилади) бевосита келиб ёки телефон орқали, ёзма ёхуд электрон шаклда, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ўзлари учун қулай ва аниқ вақтда нотариус томонидан қабул қилинишни сўраб муурожаат қилишга ҳақли.

2. Нотариус томонидан қабул қилиниш ҳақидаги муурожаатлар мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда юритиладиган Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги муурожаатларни навбатма-навбат қайд этиш дафтарига (бундан буён матнда дафтар деб юритилади) қайд қилинади.

3. Давлат нотариал идорасида фаолият юритадиган нотариуслар сонидан қатъи назар, ҳар бир давлат нотариал идорасида ягона дафтар юритилади. Бунда келиб тушган муурожаатлар нотариусларнинг иш кунлари ва вақтини инобатга олган ҳолда ҳар бир нотариусга тенг тақсимлаб борилади.

4. Нотариусларнинг иш кунлари ва соати Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари томонидан белгиланади.

Нотариусларнинг иш кунлари ва вақтини белгилашда муайян давлат нотариал идораси ёки нотариус томонидан ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларида ҳам нотариал ҳаракатлар амалга оширилиши назарда тутилади, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларга бўйсунувчи туман (шаҳар) доирасида фақат битта нотариус фаолият юритадиган ҳоллар бундан мустасно.

**2-боб. Дафтарни юритиш ва муурожаат қилувчиларни  
қабул қилиш**

5. Дафтар нотариус ёрдамчиси томонидан юритилади. Нотариал идора-

да икки ёки ундан ортиқ нотариус ишлаётган бўлса, дафтарни юритиш катта нотариус ёрдамчисига юклатилади.

6. Дафтар рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва тегишлилигига кўра Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазири, вилоятлар ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи ёхуд уларнинг ўринбосарларидан бири томонидан имзоланиб, муҳрланган бўлиши лозим.

7. Нотариус ёрдамчиси келиб тушган ҳар бир муурожаатни навбат бўйича дафтарга киритади, нотариуснинг иш куни ва вақтини ҳамда муурожаат қилувчи учун қулай вақтни инобатга олган ҳолда, нотариуснинг қабул куни ва соатини белгилайди ҳамда бу ҳақда муурожаат қилувчини хабардор қилади. Бунда муурожаат қилувчи муурожаат келиб тушган кундан кейинги иш кунидан кечиктирмасдан нотариус томонидан қабул қилиниши лозим.

8. Ҳар бир муурожаат ушбу йилда юритиладиган дафтар бўйича такрорланмайдиган тартиб рақамига эга бўлади.

9. Муурожаат қилувчининг истагига кўра, унинг муурожаати дафтарга қайд этилганлиги ҳақида мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда хабарнома тақдим этилади.

10. Муурожаат қилувчи белгиланган вақтда нотариус қабулида ҳозир бўлиши шарт. Мазкур талаб бажарилмаганда муурожаат қилувчини қабул қилиш умумий асосларда ёки қабул вақтини қайтадан белгилаш орқали амалга оширилади.

11. Белгиланган вақтдан бошқа шахс фойдасига воз кечишга йўл қўйилмайди.

12. Муурожаат қилувчи нотариус томонидан белгиланган вақтда қабул қилиниши лозим.

13. Муурожаат қилувчи нотариус томонидан қабул қилинганда, муайян камчиликлар сабабли тегишли нотариал ҳаракатларни амалга ошириш имкони йўқлиги аниқланган тақдирда, мазкур камчиликларни дарҳол бартараф этиш чоралари кўрилади. Аниқланган камчиликларни дарҳол бартараф этиш имкони бўлмаган тақдирда, муурожаат қилувчига кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш учун етарли муддат берилади. Бунда муурожаат қилувчи берилган муддатдан кейин навбатдан ташқари қабул қилинади ва бу ҳақда дафтарга тегишли изоҳ киритилади.

### **3-боб. Якуний қоидалар**

14. Дафтарнинг ўз вақтида ва тўғри юритилиши катта нотариус (нотариус) томонидан текшириб борилади.

15. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Давлат нотариал идораларида жисмоний ва  
юридик шахсларнинг муурожаатларини  
навбатма-навбат қайд этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

648-модда

**Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги муурожаатларни  
навбатма-навбат қайд этиш  
ДАФТАРИ**

Т/р	Муурожаат қилувчи жисмоний шахснинг, юридик шахс вакилининг Ф.И.О.	Муурожаат қилувчи жисмоний шахснинг яшаш манзили, юридик шахснинг жойлашган жойи	Муурожаат қилувчи жисмоний шахснинг, юридик шахс вакилининг телефон рақами ёки бошқа алоқа воситаси	Муурожаат шакли (оғзаки, ёзма, электрон шаклда, шу жумладан телефон ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали)	Муурожаатнинг қисқача мазмуни	Муурожаат рўйхатга киритилган вақт	Нотариус томонидан қабул қилиш вақти	Изоҳ*	Нотариус ёрдамчисининг имзоси

\* Мазкур устунга қабул амалга оширилганлиги, камчиликларни бартараф этиш учун муддат берилганлиги, шунингдек сабабини кўрсатган ҳолда қабул амалга оширилмаганлиги ҳақида ёзувлар киритилади.

— 48 —

52 (1)-сон

Давлат нотариал идораларида жисмоний ва  
юридик шахсларнинг муурожаатларини  
навбатма-навбат қайд этиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

## ХАБАРНОМА

---

(муурожаат қилувчи жисмоний шахснинг, юридик шахс вакилининг Ф.И.О.)

Сизнинг муурожаатингиз Давлат нотариал идораларида жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини навбатма-навбат қайд этиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ, Нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳақидаги муурожаатларни навбатма-навбат қайд этиш дафтарида \_\_\_\_\_-тартиб рақами билан қайд қилинди.

\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_:\_\_\_\_ да нотариус \_\_\_\_\_ қабулида бўлишингиз лозимлиги маълум қилинади. (нотариуснинг Ф.И.О.)

---

(давлат нотариал идорасининг номи)

**нотариус ёрдамчиси**

\_\_\_\_\_ (имзо)

\_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

\_\_\_\_\_ йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_

М.Ў.